ЖАҲОН ТУРКОЛОГИЯСИ ШОҲ АСАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Ж.О.ХУДОЙБЕРДИЕВ

Произведение «Диван лугатат-тюрк» Махмуда Кашгари – это уникальный литературный источник о жизни тюркских народов Центральной Азии в XI веке. В статье широко представлены сведения о переводе этого произведения на различные языки народов мира.

The literary production of "Devoni lugati turk" (Turkic Dialects of Mahmud Al-Kashғar) is considered to be the best information source of knowledge about Turkish people lived in Central Asia in the XIth century. In the article there is given wide information of the translations of this book into different languages.

Жаҳон туркологияси тарихида Маҳмуд Кошғарийнинг илмий фаолияти, унинг «Девону луғотит турк» асари алоҳида муҳим ўрин тутади. Буюк олимнинг «Девон»и қўлёзмаси 1913 йилда Истанбул шаҳридан топилган [1,2,4].

«Девон»нинг бизгача етиб келган ушбу нусхаси Муҳаммад ибн Абу Бакр ибни Абулфатҳ Дамашқий томонидан 664 ҳижрий йилнинг 27 шовволи, яъни эрамизнинг 1266 йил 1 августида кўчириб тугатилган. Мазкур нусха ҳозирда Истанбулдаги Миллат кутубхонасининг Али Амирий фондида сақланмоқда [4].

Ушбу қўлёзма асосида «Девон»нинг биринчи (436 бет), иккинчи (294 бет) жилдлари ҳижрий 1333 (милодий 1915) йилда, учинчи жилди (333 бет) эса ҳижрий 1335 (милодий 1917) йилда Истанбулда чоп этилган. Шундан кейин асар ҳақидаги дастлабки тадқиқотлар, «Девон»даги айрим парчаларининг нашри, кейинчалик эса ўзбек, турк, уйғур, озарбайжон, қозоқ, инглиз, немис, хитой, рус ва форс тилларига қилинган таржималар юзага келди. Асардаги мақоллар татар, қорақалпоқ, жой номлари билан боғлиқ қисмлари япон тилига, шунингдек айрим парчалар қирғиз тилига ўгирилди. «Девон» бўйича олиб борилган тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилган ушбу таржималар ҳақида маълумот берувчи ишлар юзага келган [1,3,5-9] бўлса-да, уларда таржималарнинг барчаси қамраб олинмаган. Мазкур мақолада «Девон»нинг барча таржималари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилинди.

«Девон»нинг ўзбекча таржималари. Асарни ўзбекча таржималари ҳақида тўхталишдан олдин уч нафар ўзбек олими «Девон»ни учта тилга таржима этганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур деб ўйлаймиз. Булар Холид Саид Хўжаев томонидан 1935-1937 йилларда озарбайжон тилига, Солиҳ Муталлибов томонидан 1960-1963 йилларда ўзбек тилига, Алибек Рустамов томонидан рус тилига қилинган таржималардир. Ҳар учала таржима мутахассислар томонидан юксак баҳоланган. Ўзбекистонда «Девон»ни таржима қилишга дастлаб Фитрат киришган. У асардаги бир қанча шеърий парчаларни ўзбекчага уйғунлаштирган [10,11]. Азиз Қаюмов ҳам «Девон»даги барча шеърий парчаларни таржима этган [12].

XX асрнинг қирқинчи йиллари бошларидан «Девон»ни ўзбек тилига таржима этиш устида С.Муталлибов ишлай бошлайди. Олимнинг таржимаси 1960-1963 йиллар орасида Тошкентда «Фан» нашриётида 3000 нусхада чоп этилди [13]. Асар А.К.Боровков, Ғ.А.Абдураҳмонов, О.Усмонов, Т.Салимов, Х.Комилова, Ж.Тожибоев, У.Каримовларнинг катта ёрдам ва маслаҳатлари, Тил ва адабиёт институтнинг директори лавозимида ишлаган А.Қаюмовнинг ғамхўрлиги, шунингдек, институт тил тарихи бўлимининг ходимлари И.Қўчқортоев, Ҳ.Низомов, М.Туробова, Ғ.Каримов, Р.Бахтиёрова, Ғ.Саломов, С.Низомиддинова, С.Фердоусларнинг нашрга тайёрлашда қунт билан ишлаганликлари, Ҳ.С.Сулаймоновнинг арабча матнлар устига зеру забар қўйишдаги хизматлари билан чоп этилган.

Асарнинг биринчи жилдида С.Муталлибовнинг «XI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари» номли катта ҳажмли мақоласи берилган [14]. Унда «Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг дидактик асари "Қутадғу билик" ҳақида», «XI асрнинг улуғ тилшунос олими Маҳмуд Кошғарий», «XI асрнинг қимматли ёзма ёдгорлиги «Девону луғотит турк», «Девону луғотит турк»нинг ўзбек тилига муносабати масаласи», «Девон таржимаси ва транскрипцияси ҳақида» каби масалалар таҳлил қилинган. Кейин «Девон»нинг муқаддимаси, луғат, қабила ва шаҳарлар ҳақидаги изоҳлар берилган.

2-жилдда С.Муталлибовнинг «Сўз боши ўрнида» номли ихчамгина мақоласи, сўнг луғат, жилднинг охирида эса «Девон»да қабилалар масаласи», «Жикил (чигил – Ж.Х.) қабиласи», «Тот» мақолачалари жой олган.

«Девон»нинг 3-жилдида «Бир неча сўз», луғат, охирида «Изоҳлар», «Қабилалар ҳақида»ги маълумотлар келтирилган.

Шуниси эътиборлики, С.Муталлибов «Девон»даги кўпгина сўзларни изоҳлашда ўзбек тилида яратилган тарихий асарлар, хусусан, Алишер Навоий

асарлари, шунингдек, ўзбек шеваларидаги сўзлар билан қиёслайди. Луғатдан ўрин олган сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги қўлланиши, уларнинг фонетик ва семантик жиҳатдан ўзгаришини кўрсатиб беради. «Девон»нинг бошқа тилларга қилинган таржималарида бундай ҳолат деярли кузатилмайди.

«Девон»ни озарбайжон тилига таржима қилган Рамиз Аскар С.Муталлибов таржимасининг аҳамияти ва сифати ҳақида шундай ёзган: «Асар олимлар ва кенг китобхонлар томонидан катта рағбат кўрди, узоқ йиллар давомида совет туркологлари орасида ягона манба бўлиб хизмат қилди, охирги жилди 40 йил олдин нашр қилинганига қарамасдан, бу таржима ҳануз «Девону луғотит турк»нинг энг гўзал таржималаридан бири бўлиб қолмоқдадир» [14].

С.Муталлибов Ғ.Абдураҳмонов билан биргаликда «Девон»нинг индекс-луғатини тузиб, 1967 йилда нашр эттирган [15].

«Девон»нинг туркча таржималари. 1915-1917 йилларда «Девон»нинг босма нусхаси эълон қилингандан кейин асар турк тилига бир неча марта таржима қилинган. Али Амирийнинг шогирдларидан, «Девон»нинг биринчи ноширн Килисли Рифат асарнинг дастлабки туркча таржимони ҳисобланади. У 22 дафтардаги таржима матнини Мааориф вазирлигига топширган [4;173-196].

Кейинчалик Буюк Миллат Мажлиси кўрсатмаси билан Самиҳ Рифатбей ва шоир Меҳмет Акифлар асарни таржима қилишга жалб қилинган [16]. Буларга Килисли Рифат таржимаси ҳам юборилган. Қандайдир сабаб билан бу иш ҳам охирига етказилмаган.

Шундан кейин Турк тили жамияти «Девон»ни таржима қилиш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилган. Қарорда асар сўзларини алифбо тартибида жойлаштириб таржима қилиш кўрсатилган. Бу таржимани ҳам Килисли Рифат амалга оширган [4;173-196]. Таржимани кўриб чиқиш учун Жалол Соҳир, Рагип Ҳулусий, Ҳамит Зубейир ва Бесим Аталайлардан иборат ҳайъат тузилган. Ҳайъат Килисли Рифат таржималарида бир қанча нуқсонлар борлигини аниқлаган. Рифат бу камчиликларни тузатмаганлиги учун таржима қўлёзмаси нашрга тавсия қилинмаган.

Буюк Миллат Мажлиси депутати Тевфикбей худди шу йилларда асарни араб алифбоси сирасига кўра таржима этди. Таржима қўлёзмаси 504 саҳифадан иборат бўлиб, унда «Девон» матнидаги баъзи шеърлар, мақоллар туширив қолдирилган.

Ушбу таржима Килисли Рифат ва Тевфик «Девон»ни турк тилига таржима қилганлардан яна бири кониялик Атифбейдир. Унинг таржимаси 7 дафтарда ёзилган, умумий ҳажми 943 саҳифадир Демирўғлининг таржималаридан ўзининг сифат билан ажралиб туради. Атифбейнинг таржимасида баъзи шеър ва мақоллар арабча изоҳларига кўра таржима қилинган.

Таржималарни кўриб чиқиш ҳайъати аъзоси бўлган Бесим Аталай Акифбей ва Рифат таржималаридаги асосий нуқсонлар сифатида асарнинг эски тилда, айрим сўзларнинг маънолари нотўғри таржима қилингани, туркий сўзларни лотин алифбосига ўтказишдаги нуқсонлар, баъзи сўзлар, жумлалар, ҳатто, бутун бошли саҳифалар таржима этилмагани, арабча нусхадаги яққол билиниб турган мавжуд камчиликлар тузатилмаганлигини кўрсатиб ўтган [16; XXIV].

Турк тили қуруми бошлиғи Иброҳим Нажми Дилменнинг тавсияси билан асарни Бесим Аталай таржима қилади. Бу таржима 1939-1941 йиллар оралиғида Истанбулда нашр қилинган. Асарнинг биринчи жилдида И.Н.Дилменнинг сўзбошиси [V-VI], Бесим Аталайнинг «Девону луғотит турк» ва таржимаси ҳақида қайдлар» номли мақолалари [VII-XXXVI] берилган. Бесим Аталай мақолада «Девон» муаллифи, асарнинг тузилган вақти, унинг асосида олиб борилган тадқиқотлар, турк тилига қилинган таржималар ва уларнинг камчиликлари каби масалаларга тўхталиб ўтган.

Бесим Аталай 1943 йилда асарнинг индексини чоп эттирган [17]. Унинг III-бетида Бесим Аталайнинг сўз бошиси, V-XI-бетларда асар қўлёзмаси, босма ва таржима нусхалари бетларининг қиёсий жадвали, XIII-XL-бетларда тузатишлар берилган. 1-866-бетларда асарнинг индекси жой олган.

2005 йилда «Девон»нинг турк тилига Сечкин Эрди ва Серап Тугба Юртсеварлар қилган таржималари (725 бет) чоп этилди. Бир жилд шаклида нашр этилган китоб икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида (11-126-бетлар) бош сўзлар лотин алифбоси тартибида, иккинчи қисмида (127-720-бетлар) эса сўзларнинг маънолари, намуна сифатида берилган изоҳлар, шеърлар, мақоллар ҳамда грамматик маълумотлар келтирилган.

«Девон»нинг русча таржималари. С.Е.Малов 1926 йилда «Девон»даги шеърий парчалардан рус тилига таржима қилиб, ўзининг Тошкентда нашр этилган «Образцы древнетюркской письменности с предисловием и словарем» номли мажмуасида чоп эттирди [18]. «Памятники древнетюркской письменности» асарида эса «Девон»дан таржима қилинган парчаларга кўп жой ажратди [19]. И.В.Стеблева «Девон»даги шеърий асарлар танқидий матни билан бирга уларнинг таржимасини эълон қилган [20]. «Девон»дан рус тилига таржима қилинган кичик парчаларни бошқа ишларда ҳам кўриш мумкин.

Асарнинг рус тилига тўла таржимаси биринчи марта ўзбек олими Алибек Рустамов томонидан

амалга оширилди. Олим «Девон»ни Истанбулдаги Миллат кутубхонасида сақланаётган қўлёзма фотонусхаси асосида таржима қилган [23]. Шунингдек, А.Рустамов таржима жараёнида Ахмед Рифат нашридан, ўзбек тилидаги Солиҳ Муталлибов, турк тилидаги Бесим Аталай, немис тилидаги Карл Брокелманн, озарбайжон тилидаги таржималардан ҳам унумли фойдаланган. Ахмед Рифат томонидан тушириб қолдирилган сўзлар, баъзи сўзларнинг ўқилишида йўл қўйилган хатоликларни аниқлаган. Бироқ «Девон»нинг Алибек Рустамов томонидан бажарилган русча таржимаси узоқ йиллар давомида нашр қилинмади, фақат 2010 йилдагина Москвада 1 жилди чоп этилди.

«Девон»нинг рус тилидаги иккинчи тўла таржимаси З.А.Авезова томонидан бажарилган ва 2005 йилда индекси билан бирга Алматида 1000 нусхада чоп этилган [24].

Таржимадан олдин 3-5-бетларда кириш, 6-50-бетларда муқаддима берилган. З.А.Авезова муқаддимада «Девон»нинг нашрлари, XX асрдаги тадқиқотлар, «Девон» қўлёзмасининг тақдири, «Девон» тузишдан мақсад, «Девон»нинг муаллифи, «Девон» тузилган давр, Маҳмуд Кошғарий талқинидаги турклар образи, Маҳмуд Кошғарий туркий тилли халқлар ҳақида, «Девон»да туркийларнинг исломни қабул қилиши ҳақида, туркийлар ва эронийлар алоқасининг акс этиши ва бошқа масалаларга тўхталиб ўтган.

Таржимада бош сўзларнинг, изоҳларнинг араб алифбосидаги асл матни ва транскрипцияси берилмаган.

2006 йилда «Девон»нинг рус тилидаги учинчи тўла таржимасини Рамиз Аскар амалга оширган ва у Боку шаҳрида 500 нусхада чоп этилган [25]. 4 жилд ҳолида нашр этилган ушбу таржима Камол Абдуллоҳ таҳриридан чиққан.

«Девон»нинг озарбайжонча таржималари. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарини озарбайжон тилига таржима қилиш бўйича XX асрнинг 30-йиллари ўрталарида асли ўзбек миллатига мансуб Х.С.Хўжаев раҳбарлигида ҳайъат тузилади. Таржима 1935 йилда бошланиб, 1937 йилда тугатилган ва шу йили С.Е.Малов ва А.Н. Кононовлар томонидан таҳрир қилинган [21]. Ушбу таржима қўлёзмаси ҳозирда Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Тилшунослик институтида сақланмоқда.

«Девон»нинг озарбайжон тилига қилинган таржимаси хусусида асарнинг туркча таржимони Бесим Аталай алоҳида тўхталган. У бу таржиманинг камчиликлари сифатида шуларни кўрсатган: «Лотин ҳарфлари билан ёзилган ушбу намуналарнинг ёзилиши хато бўлганлиги кўринмоқда. Сўзлар ҳоқония туркчасида – эски кошғар тилида ёзилишўрнига бугунги Туркистон халқи шаҳарлари аҳолисининг жонли сўзлашув тилига мослаб ёзилган» [16;XXXI].

60-йилларда мазкур таржимани такомиллаштириш устида А.Демирчизода, А.Жафар ва Ж.Эфендиевлар иш олиб боришади. Таржима якунланиб нашрга топширилган [21].

«Девон»ни озарбайжон тилига Рамиз Эскер қайта таржима қилиб, 2006 йилда Бокуда тўрт жилд ҳолида (1-жилд 512 бет, 2-жилд 400 бет, 3-жилд 400 бет, 4-жилд 752 бет) 1000 нусхада чоп эттирди. 1-3 жилдларда «Девон»нинг матни, 4 жилдда эса асарнинг индекси берилган [25].

Таржимоннинг қайд этишича, Бесим Аталай, С.Муталлибов, форсча, уйғурча, хитойча таржималар, асарнинг қўлёзмаси ва босма нусхасидаги сўзлар қиёслаб чиқилган, имло, сўз маъноси ва таржималардаги фарқлар изоҳланган.

1-жилдда муқаддима, ҳар бир жилдда сўз боши, изоҳлар берилган. 2-жилднинг охирида «Девон»нинг қисқача грамматикаси, 3-жилдда эса асарнинг манбаси ҳақида маълумот келтирилган.

Таржима Тевфик Хўжаев таҳриридин чиққан.

«Девон»нинг уйғурча таржималари. «Девон» уйғур тилига беш маротаба таржима қилинган. Таниқли шоир ва олим Қутлуғ Шавқий 1930 йилларда Туркия-Миср-Ҳиндистон сафарида бўлиб, «Девон»нинг Килисли Рифат нашридан олиб қайтади ва шоир Муҳаммад Али билан биргаликда асарни таржима қилишга киришади. Таржима якунланмасдан ҳар иккиси қатл қилинади.

«Девон»нинг уйғурча таржимасига иккинчи маротаба 1946 йилда Қошқарли Исмоил домулла киришган [14,26,27]. У асарнинг биринчи жилдини таржима қилгандан кейин сирли равишда вафот этган. 1953-1954 йилларда ака-ука Муҳаммад Файзи ва Аҳмад Зиёлар асарнинг уч жилдини уйғур тилига таржима қилишди. Аҳмат Зиё ва бошқа уйғур зиёлилари маочилар томонидан қатағон қилинган, Аҳмад Зиё қамалган. У озодликка чиққанидан сўнг таржимани якунлаб, Қошқар губернатори Сайфуллаевга тақдим этган. Аҳмат Зиё таржимаси 1956 йилда Урумчидаги адабий ёдгорликлар музейи фондига олинади. 1957 йилда Аҳмат Зиё таржимасининг сифати ва савиясини аниқлаш учун Қошқарда Муҳаммадхон Пайзи, Ясин домулла, Амир Ҳусан қози, Сулаймон домулла, Муҳаммад Аминхўжа ва Ю.Мухлисовлардан иборат ҳайъат тузилади. Ҳайъат таржима аниқ ва тўғри амалга оширилганлигини аниқлаб, уни чоп этишга тавсия қилади. «Девон»нинг уйғурча таржимасини нашр этиш бўйича Амин Турсун, Иброҳим Мутъи, Аҳмад Зиё, Бурхон Шоҳидий, Юсуфбек Мухлисовлардан иборат ҳайъат тузилган. 1957 йилда Шинжонг Уйғур автоном Рес-

публикаси Маданият вазирлиги таржимани нашр қилиш учун маблағ ажратади ва Пекинга юборади. “Миллатчиларга қарши кураш” даврида таржима қўлёзмаси ўтда ёқилади. Аҳмад Зиё 20 йилга қамалади, унинг оиласи узоқ қишлоқлардан бирига сургун қилинади.

1963-1966 йилларда Хитой Фанлар академияси Шинжонг филиали мудири ёрдамчиси Сайроний ҳам асарнинг уйғур тилидаги тўртинчи таржимасини амалга оширган. Бу таржима ҳам чоп этилмади, “маданий инқилоб” кампаниясининг қурбони бўлиб, ўтда ёқилди.

1981-1984 йилларда «Девон»нинг уйғурча таржимасини Урумчида Шинжон халқ нашриёти ўн минг нусхада босиб чиқарди. Уни нашрга Абдусалом Аббос, Абдураҳим Ўткур, Абдураҳим Ҳабибулла, Абдулҳамит Юсуфий домулла, Халил Солиҳ, Хўжа Нур Хўжа, Усмон Маматниёз, Сабит Рози, Иброҳим Мутъий (масъул муҳаррир), Эмин Турсун (муҳаррир) ва Мирсултон Усмоновлар тайёрлашган. Нашрда асарнинг таржимони кўрсатилмаган [28].

Ушбу нашрнинг биринчи жилдида «Машҳур уйғур олими Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Туркий тиллар луғати” асари» номли мақола берилган [1-49-бетлар]. Кейин уйғурча таржимага шарҳ ва изоҳлар [51-65-бетлар], тўртта бетдан «Девон» қўлёзмасининг фотонусхаси жой олган. 1-688-бетларда «Девон»нинг таржимаси берилган.

«Машҳур уйғур олими Маҳмуд Кошғарий ва унинг “Туркий тиллар луғати” асари» мақоласи олти бўлимдан ташкил топган. Унинг биринчи бўлимида Маҳмуд Кошғарий даври, «Девон» яратилган тарихий шароит ҳақида маълумот берилган.

Мақоланинг иккинчи бўлими Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва ижодий фаолиятининг тадқиқига бағишланган. Муаллифларнинг тахмин қилишича, Маҳмуд Кошғарда, Азак ёки Ўпол қишлоғида туғилган. У Ўполдаги Ҳазрати Мулом қабристонида дафн қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Мақоланинг учинчи бўлимида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ни тузиш йўлидаги изланишлари: ўзидан олдинги ва замондошлари томонидан яратилган луғатларни қунт билан ўрганиб, ўзи тамомила янги йўл тутганлиги таҳлил қилинган.

Тўртинчи бўлимда «Девон»нинг тузилиши, мазмуни хусусида фикр юритилган.

Бешинчи бўлимда қорахонийлар давридаги давлат тили хоқонийлар тили бўлганлиги, унинг ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари ҳақида фикр билдирилиб, бу тил «Девон» тузиш учун асос бўлганлиги қайд қилинган.

Олтинчи бўлимда эса «Девон»нинг турк ва ўзбек тилларидаги нашрлари, уларнинг ноширлари хизматига юқори баҳо берилган. Шу билан бирга, турк тилидаги нашрда Бесим Аталай йўл қўйган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилган. Булар: а) айрим сўзлардаги фонетик ҳодисалар нотўғри талқин қилинган ва шунинг оқибатида баъзи сўзлар транскрипцияси хато берилган; б) қорахоний-уйғур тилидаги **ə** ҳарфи билдирган товуш барча ўринларда **е** билан ифодаланган.

Муаллифларнинг ёзишича, Маҳмуд Кошғарий – уйғур миллатига мансуб. Уйғурча таржимада Б.Аталай нашридаги айрим мунозарали жойлар бартараф этилган. Сўзларнинг талаффузини имкон қадар аниқ кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Таржиманинг матни араб алифбосида, бош сўзлар ва мисоллар лотин алифбосида берилган.

«Девон»нинг форсча таржималари. 1996 йилда Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан қилинган «Девон»нинг форс тилидаги таржимаси Теҳронда чоп этилган. Таржимада К.Брокелманн ва Д.Дилчин тадқиқотидан фойдаланилган. Улардаги камчиликлар таржимада ҳам айнан акс этган. Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. Шу боис таржимадан юзлаб тушунарсиз сўзлар ўрин олган.

2005 йилда Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ «Девон»нинг форс тилидаги янги таржимасини 2500 ададда Табризда нашр эттирди. Ушбу нашр бир жилд, 628 бетдан иборат. Китоб мундарижа, таржимоннинг сўз бошиси, матн (97-623), таржимоннинг туркча ва лотин ёзувидаги икки бетли қисқа сўзидан ташкил топган. Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ 53 саҳифалик сўз бошида «Девон»нинг муаллифи, туғилиб ўсган жойи ва қабри, асар ёзилган вақт, нашрлари ва таржималари, олимларнинг асар ҳақидаги энг муҳим тадқиқотлари борасида фикр билдирган. Туркий шеъриятнинг бармоқ вазни масалаларига тўхталган ва шу асосда «Девон»даги шеърий парчаларни таҳлил қилган. Таржимани тайёрлаш методи тўғрисида маълумот берган. Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқнинг таржимаси Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан амалга оширилган таржимадан ҳар томонлама устунлиги билан ажралиб туради. Таржима тўлиқ, ўқувчиларга тушунарли равон тилда амалга оширилган. Барча сўзлар лотин ва араб алфибосида аниқ қилиб кўрсатилган [29,14].

«Девон»нинг инглизча таржимаси. Асарнинг инглиз тилидаги таржимаси 1982-1985 йилларда Гарвард университетида уч жилд ҳолида нашр этилган. Уни инглиз олимлари Роберт Денкофф ва Жимз Маккалилар таржима этган. Инглиз тилидаги таржима Шинаси Текин ва Гўнул Алпайларнинг таҳриридан чиққан. Биринчи жилддаги сўз бошида асар ҳақида қўшимча маълумотлар берилган [30]. Таржиманинг биринчи жилди XI+417 бет, 2 жилди

III+381 бет, 3 жилди 337 бетдан иборат, нашрнинг тиражи кўрсатилмаган.

«Девон»нинг немисча таржимаси. Маҳмуд Кошғарий асарининг немис тилига қилинган таржимасини Карл Брокелманн амалга оширган ва 1928 йилда бир жилд ҳолида Лейпциг шаҳрида нашр эттирган. Ушбу нашр VI+252 саҳифадан иборат бўлиб, тиражи ва муҳаррири кўрсатилмаган. Ишда «Девон» тўлалигича немис тилига таржима қилинмаган, туркий сўзларнинг транскрипцияси ва немисча таржимаси берилган [31]. Бу таржима ғарб олимлари ўртасида асарга бўлган қизиқишни кучайтирди, қадимги туркий тил хусусиятларини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар яратилишига асос бўлди.

«Девон»нинг қозоқча таржимаси. Асғар Ағабойовнинг қозоқ тилидаги таржимаси Алматида босилиб чиққан [32]. Унга Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев сўз боши ёзган. Таржиманинг 1-жилди (592 бет), 2-жилди (528 бет) 1987 йилда, 3-жилди (600 бет) 1998 йилда 3000 нусхада нашр этилган.

«Девон»нинг хитойча таржимаси. Бугунги кунда Хитойда ҳам «Девон» асосида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки «Девон»да туркий халқларга оид кўплаб маълумотлардан ташқари, Хитой билан туркий халқлар ўртасидаги маданий ва савдо-сотиқ алоқалари, Хитойдаги айрим шаҳар ва қишлоқларнинг номлари, у ерларда яшайдиган қабилалар ҳамда айрим хитойча сўзлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Масалан, Маҳмуд Кошғарий "**Tawғач**" сўзини шундай изоҳлаган: "**Tawғач** – Мочин мамлакатининг оти. Бу мамлакат Чиндан тўрт ойлик йўл узоқдадир. Чин аслида учтадир: 1) Юқори Чин – бу Шарқда бўлиб, бунга Tawғач дейилади. 2) Ўрта Чин, буни Хїтај дейилади. 3) Қуйи Чин, буни Бархан дейилади ва у Қашқардадир. Лекин ҳозир Tawғачни Мочин, Хитойни Чин деб юритилади" [13; 422-423].

Ёки Хитойда яшовчи тубут қабиласи ҳақида шундай маълумот келтирилган: "**тўбўт** - турк диёрида яшовчи бир қавм. Мушк олинадиган кийик шуларнинг ерида бўлади. Унинг киндигини кесиб олинади. Бу мушк қутисидир. Булар бир жиноят қилиб Ямандан қочиб денгиз йўли билан Чинга бориб ўрнашиб қолган Собит деган кишининг авлодларидир. У киши шу ерни ёқтириб, жойлашиб қолган ва авлоди кўпайган. Авлодлари кўплигидан турклар еридан бир минг беш юз фарсах ерни олганлар. Шарқ томони Чин, ғарб томони Кашмир, шимол томони Уйғур эллари, жануб томони эса Ҳинд денгизидир. Уларнинг тилларида арабчанинг таъсири бор. Чунки улар онани **ума,** отани – **аба** дейдилар" [13;337].

XI асрда яратилган «Девон»даги бундай маълумотлар хитойлик мутахассисларни ҳам қизиқтириши табиий, албатта. Шу боис «Девон» 2002 йилда хитой тилига таржима этилиб, Пекин шаҳридаги Миллатлар наширётида уч жилд ҳолида 3000 нусхада чоп қилинди. Таржиманинг 1-жилди 554 бет, 2-жилди 378 бет, 3-жилди 442 бетдан иборат.

Асарнинг биринчи жилдини Ҳе Руи Винг Йи, Хиао Зхонгйи, Лиу Жингжиалар таржима, Мирсултон Усмонов ва Чҳен Хиалар таҳрир этишган. Иккинчи жилд Хиао Зхонгйи, Лиу Жингжиалар таржимасида, Қи Қингшуп ва Тоҳиржон Муҳаммадлар таҳририда босмадан чиққан. «Девон»нинг хитой тилидаги учинчи жилдини Хиао Зхонгйи таржима, Қи Қингшуп ва Тоҳиржон Муҳаммадлар эса таҳрир қилишган [33,34].

1-жилддаги 11 бетлик муқаддимада асар ва унинг муаллифи, Хитойда «Девон»ни таржима қилишга уринишлар, «Девон»нинг бошқа тилларга қилинган таржималари ҳақида маълумот берилган.

«Девон»даги мақолларнинг татар тилига таржимаси. Маълумки, сўз маъноларини изоҳлаш учун «Девон»да уч юздан ортиқ мақоллар келтирилган бўлиб, улар кўплаб тадқиқотчилар томонидан турли даврларда ўрганилган. Татар олими Х.Маҳмудов «Девон»даги мақоллар сони, мавзулар бўйича таснифланиши, уларнинг татар тилидаги эквиваленти каби масалаларни тадқиқ қилиш билан бирга, уларни татар тилига таржима қилиб, нашр қилдирган [35].

«Девон» парчаларининг туркман тилига таржимаси. Туркманистонда «Девон» тадқиқи билан шуғулланган ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган С.Ахалли асар парчаларини туркман тилига таржима этган [36]. Туркманистонда Маҳмуд Кошғарий таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган конференция материалларига қараганда, «Девон» Раҳмат Қиличов томонидан туркман тилига тўла таржима қилинган. Таржима жараёнида турк тилидаги Б.Аталай, С.Эрди ва С.Т.Юртсеварларнинг, ўзбек тилидаги С.Муталлибовнинг, немис тилидаги К.Брокелманнинг, шунингдек С.Ахалли таржималаридан фойдаланилган [37].

«Девон» парчаларининг қорақалпоқ тилига таржимаси. Қорақалпоғистонда ҳам «Девон» хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, бу борада Н.Джапаков, К.Мамбетов, К.Махсетов, Ю.Пахратдинов каби олимларнинг хизматлари диққатга сазавордир. К.Мамбетов «Девон»даги 130 га яқин шеърий парчаларни ва 50 дан ортиқ мақолларни қорақалпоқ тилига таржима этган [38].

. «Девон»да***«Девон» парчаларининг қирғиз тилига таржимаси*** қирғизлар ва уларнинг тиллари билан боғлиқ маълумотлар ҳам келтирилган бўлиб, булар қирғиз олимлари томонидан яхши

ўрганилган. «Девон»даги айрим парчалар эса Ж.Шериев, И.Қодиров, М.Толубаевлар томонидан қирғиз тилига ўгирлган [39]. Ҳозирда «Девон»ни қирғиз тилига тўла таржима этиш устида иш олиб борилмоқда.

«Девон»даги жой номларининг япон тилига таржимаси. «Девон»да Япония "**ǰабарқа**" шаклида тилга олинган ва у ҳақда "**ǰабарқа**ликларнинг узоқда туришлари, Мочин билан уларни катта денгиз айириб тургани учун уларнинг тиллари билинмайди" деган маълумот берилган. «Девон»даги харитада эса Япония қайд этилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу Япониянинг биринчи маротаба харитада акс эттирилиши бўлган. Шу боис бир неча япон олимлари «Девон» бўйича тадқиқот олиб боришган. Фукимото Рфнсужи эса «Девон»даги жой номларини махсус ўрганган ва уларни япон тилига таржима қилган [40].

АДАБИЁТЛАР:

1. Худойбердиев Ж. «Девону луғатит турк»: топилиши, таржималари ва ўрганилиши // Туркология масалалари. 1. Илмий мақолалар тўплами. – Т.,2006.- Б.60-65

2. Худойбердиев Ж. «Девону луғатит турк»нинг топилиш санаси ҳақида // ЎзМУ хабарлари, – Т.,2006.- № 3.- Б.50-52

3. Худойбердиев Ж. Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва «Девону луғотит турк» асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. - Б.11-18

4. Tefikoğlu Muhtar. Alı Emîrî Efendi. – Ankara, 1989.

5. Фозилов Э. Шарқнинг машҳур филологлари. Маҳмуд Кошғарий, Абу Ҳайён, Жамолиддин Туркий. – Т.,1971

6. Əskər Ramiz. «Divan»ın tərcümələri // Mahmud Kaşğari. Divanü lüğat-it-türk.-Bakı: Ozan, 2006.- I cild.- S.34-43;

7. Hüseyinoğlu Ali Şamil. Kaşgarlı Mahmud'un Divanü lügat-it-Türk Eserini Türkçeye İlk Çeviren Terjüman // Kaşgarlı Mahmud ve Dönemi Sempozyumu.- Ankara,2008, Bildiri Özrtleri.-S.28-29

8. Емет Э. «Диван» Махмыта Кошгарлы на уйгурском и китайском языках // Махмыт Кашгарлы – основоположник научной тюркологии. Материалы международной научной конференции, 21-22 февраль 2008 г.- Ашхабад, 2008.- С. 383

9. Emet E. Mahmyt Kaşgarlynyň «Divany» uýgur we hytaý dillerinde // Mahmyt Kashgarly – the founder of scientific turkology. Abstracts of the international scientific conference February 21-22, 2008.- Ashgabat, 2008.- S. 152-153.

10. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. – Самарқанд. 1928

11. Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Самарқанд, 1927.

12. Қадимий ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987. - Б.59-88

13. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи. С.М. Муталлибов. т. I, Т., 1960; т. II, Т., 1961; т, III, Т., 1963

14. Asker Ramız. Divanü Lügat-it-Türk İstatistikleri // 2. Uluslararası Türkiyat Araştırmaları Bilgi Şöleni Bildirileri. Kaşgarlı Mahmud ve Dönemi. 28-30 Mayııs 2008.- Ankara, 2009.- S.34-35.

15. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент, 1967.

16. Dîvanü lügat-it-Türk tercümesi. Çeviren Besim Atalay, cilt I, – Ankara, 1939. XXIV.

17. Dîvanü lügat-it-Türk dizini. Endeks. Yazan: Besim Atalay.- Ankara, 1943.

18. Образцы древнетурецкой письменности, с предисловием и словарем. – Т., 1926

19. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.-Л., 1951.- С. 306-315.

20. Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – М., 1971.

21. Кононов А.Н. Изучение «Дивану лугат ит-турк» Махмуд Кашгарского в СССР // Советская тюркология, – Баку, 1973.- № 1.- С. 3-9

22. Кононов А.Н. Махмуд Кашгарский и его «Дивану лугат ит-турк» // Советская тюркология, – Баку.- 1972.- № 1.- С. 3-17

23. Рустамов А. О переводе «Дивану лугат ит-турк» Махмуда Кашгари на русский язык // Советская тюркология, – Баку, 1972.- № 1.- С. 129-139.

24. Махмуд ал-Кāшгари. Дивāн Лугāт-Турк. Перевод и предсловие З.-А.М.Ауезовой, индексы Р.Эрмерса. Алматы: Дайк-Пресс, 2005.- 1288 с.

25. Kaşğari Mahmud. Divanü lüğat-it-türk. Tərcümə edən və nəşrə hazırlayan Ramiz Əskər.- Bakı: Ozan, 2006, I cild.- S. 512; II cild, S. 400; III cild, S. 400; IV cild (indeks), S. 752. [25].

26. Мухлисов Ю. Об уйгурском переводе «Диван лугат ит-тюрк» // Советская тюркология, – Баку, 1972.- № 1.- С. 150

27. Hesen Zeynep. Çin'de Kaşgarlı Mahmud ve Divan-i Lügati't-Türk Üzerine Yapılan Çalışmalar // 2. Uluslararası Türkiyat Araştırmaları Bilgi Şöleni Bildirileri. Kaşgarlı Mahmud ve Dönemi. 28-30 Mayiıs 2008.- Ankara, 2009.- S. 347-357

28. Kashgari Maxmut. Turkıy tillar divani - Divanü lüğat-it-türk. Urumchi: Xalk Nashriyoti, 1981, I, 62+687. (arab alifbosida), 1984, III, 612. (arab alifbosida).

29. Муҳаммад Ҳалим Ёрқин. «Девону луғат ут-турк»нинг Табриз нашри // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2007 йил 21 сентябрь

30. Dankoff, Robert; Kelly, James. Mahmūd Al-Kāšrarī, Cjmpendium of Turkic dialects (Dîwān Luyaāt at-Turk). Turkish Sources VII. Part I-III. Harvard: Harvard University Printing Office 1982-1985.

31. Brokelmann C. Mitteltürküscher Wortschatz nach Mahmud al-Kasgharis Divan Lughat-at-turk (Bibliotheca Orientalis Hungarıca, I. – Budapest-Leipzig: 1928,)

32. Махмуд Қашқари. Түрік сөздігі. Т. 1. – Алматı, 1997. 590; Махмуд Қашқари. Түрік сөздігі. Т. 2. – Алматı, 1997, 525; Махмуд Қашқари. Түрік сөздігі. Т. 3. – Алматı, 1998. 597.

33. Tu Tszüe Yuy Datsıdyan, ["Devonu luġot-it-turk"], Beyin: Mllətlər nəşriyiti, 2002, I cild, 554; Tu Tszüe Yuy Datsıdyan, ["Devonu luġot-it-turk"], Beyin: Mllətlər nəşriyiti, 2002, II cild, 378; Tu Tszüe Yuy Datsıdyan, ["Devonu luġot-it-turk"], Beyin: Mllətlər nəşriyiti, 2002, III cild, 442

34. Akalın Şükrü Halûk. Kâşgarlı Mahmud ve Divanü Lügati't-Türk. – Ankara, Türk Dil Kurumu Yayınları, 2008. s. 156-157.

35. Мәхмүтов Хуҗи. Мәңгелек ядкяр. – Казан, 2002.

36. С.Ахаллы. Махмуд Кашгарының созлуги ве туркмен дили. – Ашгабат, 1958, 208+5 s.

37. Gylyjow R. Mahmyt Kaşgarlynyň «Diwany» türkmen diline terjime etmegin tejribesi ve meseleleri // «Mahmyt Kaşgarly türkologiya ylmyny esaslandyrycydyr» atlı Halkara ılmı maslahatı. Aşqabat: 21-22 baydak 2008, s. 118.

38. Пахратдинов Ю. Махмыт Кашгарлы и каракалпакский фольклор // Махмыт Кашгарлы – основоположник научной тюркологии. Материалы международной научной конференции, 21-22 февраль 2008 г. Ашхабад, 2008, с. 311.

39. Акматалиев Абдылдажан. Махмуд Кашгари // Kaşgarlı Mahmud ve Dönemi Sempozyumu. Ankara: 2008, Bildiri Özrtleri, s. 21-32.

40. Fucimoto Rfnsuji. Mafumudo Kaşugari Toruko-Arabugo Citen no Hoya-ku Çime-iben [Маҳмуд Кошғарий туркча-арабча луғатининг япон тилига таржимаси: жой номлари қисми] Tozai-gakucutsu Kenkyü-co Iho, 5, 1957, s. 36-48.

Ўзбекистон Миллий университети,
2010 йил 10 августда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Қ.Содиқов)